



## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Асрлар давомида халқи-мизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намоён этиб келаётган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва шукроналик фазилатларини янада мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улғайиб келган маънавий ҳаётимизда муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 28 июнь – чоршанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон муслмонлари идораси Уламо-лар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, юртимизда 2023 йил 28 июнь кунини Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб савияда ўтказиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги «2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-270-сонли Фармони билан иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун 2023 йил-

нинг 29-30 июнь кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 1 июль кунини қўшимча дам олиш кунини сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юрtdошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўтабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қўлай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.Мирзиёев

Наманган  
вилояти

Дил сўзи

## «МЕН СЕВИМЛИ ЖАМОАМГА ҚАЙТИМ...»



Мен фтизиатрия соҳасида 45 йиллик иш стажига эга шифокорман. Парда Турсун номли Республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация марказида даволоччи врач сифатида ишлаганман. Яқинда иш берувчининг ташаббуси билан ўз вазифамдан бўшатилдим.

Тўғриси, шифо излаб келган беморлар дардига бир оз бўлса-да малҳам излаётганим, касбимга нисбатан меҳрим бўлакчалигиданми, ишдан бўшатилган, сўнг руҳан тушкунликка тушиб қолдим. Ҳаммасидан ҳам ҳамкасбларим олдига қадрим, шаъним топталгани менга оғир ботди.

Яхшиямки, ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот – касаба уюшмалари бор экан! Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши меҳнат-ҳуқуқ инспектори Аб-

дурашид Режапов юзага келган вазиятни ўрганиб ва ишни судгача олиб борди.

Фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, менга нисбатан иш берувчи томонидан қўлланган интизомий жазо чораси ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қонунга зид деб топилди. Қайта ишга тикландим! Етказилган зарар пуллари ҳам қоплаб берилди.

Ҳозир яна сеvimли жамоам, ҳамкасбларим билан бир сафдам. Бир инсонга ишончини қайтаришга кўмаклашган, кўп йиллик меҳнатимни қадрлай олган ва менга қайта умид берган Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашига алоҳида ташаккур айтаман.

Олимбой КАРИМОВ,  
шифокор



Шарҳ

## БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 14 июнда «Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Болалар оромгоҳлари фаолиятини ягона тизим асосида йўлга қўйиш, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва оромгоҳларга ёшларни жалб этиш қамровини кенгайтириш мақсадида 65 та болалар оромгоҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимига ўтказилиб, бошқа ташкилотлар тизимига бўлган 35 та болалар оромгоҳини сотиш ёки фаолият турини ўзгартиришни тақиқлашни назарда тутувчи рўйхат тасдиқланди. Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилди.

Болалар оромгоҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Президентнинг айрим ҳужжатларига куйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

- айрим болалар соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилганлиги ҳамда айримларини сотиш ёки фаолият турини ўзгартириш тақиқланганлиги;
- Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ негизда Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш масалалари бўйича республика комиссияси ташкил этилганлиги муносабати билан қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштириш;
- таътил пайтларида болаларнинг мароқли дам олишлари учун қўлай имкониятлар яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ҳамда болалар оромгоҳларини молиявий соғломлаштириш.

- Эслатиб ўтамиз, Солиқ кодексига мувофиқ:
- санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматларини, шунингдек, бюджет ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни реализация қилиш бўйича айланмаларга ҚҚС солинмайди;
- спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш мажмуалари, ўқув-машқ базалари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари эгаллаган ерларга ер солиғи солинмайди;
- нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятини амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган объектлар мол-мулк солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 15.06.2023 йилдан кучга кирган.

Лола АБДУАЗИМОВА  
norma.uz

Анжуман

## Меҳнат кодексини ўрганамиз

Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика марказида ЎзФА бирлашган касаба уюшма қўмитаси янги тахрирда қабул қилинган Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини ходимларга етказиш мақсадида «Меҳнат кодексини ўрганамиз» мавзусида семинар ташкил этди. Унда кадрлар бошқармаси бошлиқлари, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари, бош ҳисобчилар ва ҳуқуқшунослар қатнашди. Семинарда Ўзбекистон

касаба уюшмалари Федерацияси бўлим муdiri Маҳмуджон Исаев ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Ла-зоқат Туриқова ва бошқалар мавзу юзасидан атрофлича тушунчалар беришди.

Тадбир асосини иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Мирзакамол АЮПОВ,  
Геномика ва биоинформатика маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Тошкент  
вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

## УСТАМА ҲАҚ УНДИРИБ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Дилафрўз Абдувалиева 2020 йили Бўка тумани Санитария-эпидемиология ва осойишталик маркази санитария-гигиена бўлимининг шифокори лавозимига ишга қабул қилинган. Лекин ўтган давр мобайнида ойлик маошига қўшимча устамалар олмаган.

Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрда қабул қилинган «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қароридан врач-эпидемиолог, энтомолог, паразитолог, санитария врачлари ёрдамчиси, электромагнит майдонлари лабораториялари техникалари ва лаборантлари соғ-

лиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлгани сабабли, уларнинг лавозим тариф ставкасига 15 фоиз миқдорида қўшимча тўлов белгиланиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Дилафрўз Абдувалиева ана шундан келиб чиқиб, тармоқ касаба уюшмаларига мурожаат қилди. Уюшма масъуллари эса барча ҳолатларни атрофлича таҳлил қилиб, тўпланган ҳужжатларни судга тақдим этди. Суд ишни ҳолисона қўриб чиқиб, иш берувчи ташкилот ҳисобидан ходимнинг фойдасига 6 миллион сўмдан зиёд устама ҳақ ундириб берилиши юзасидан ажрим чиқарди.

Муҳаммадjon РЎЗМЕТОВ,  
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат-ҳуқуқ инспектори

## Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисийнинг таклифига биноан 18 июнь кунини расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

«Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Эрон Ислам Республикасига расмий ташрифи доирасида «Тошкентдаги Эрон инновациялар ва технологиялар уйи» (Iran House of innovation and technology in Tashkent – IHIT)нинг расмий очилиш маросими ташкил этилди.

Ўзбекистон парламенти делегацияси Польша Республикасида бўлди. Ташриф доирасида «Ўзбекистон – Польша» парламентлараро дўстлик гуруҳларининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди.

Саудия Арабистони подшоҳлиги Атроф-муҳит, сув ва қишлоқ хўжалиги вазирлиги делегацияси Жиззах вилояти Зомин туманига ташриф буюрди.

Наманганда 62-Халқаро гуллар фестивали яқунланди. Бир ой давом этган фестивал 6 миллиондан зиёд меҳмонга меҳмонлик қилди. Фестивалга 40 дан ортиқ мамлакатдан 100 мингга яқин хорижий сайёҳ келди.

Маданият ва туризм вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, жорий йилнинг 20-24 июнь кунлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида Қозоғистон маданият кунлари, унинг доирасида Тошкент шаҳрида 20-23 июнь кунлари Қозоғистон киноси кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида ТУРКСОЙ ташкилотининг 30 йиллик тантаналарига бағишланган «Турк дунёси рассомлари» номли кургазма очилди.

Жорий йилнинг 17-18 июнь кунлари Лондондаги «Tower Bridge» кўприги яқинида Ўзбекистон маданияти фестивали бўлиб ўтди. Унда меҳмонлар шарқона нозу неъматлар, машҳур ўзбек палови, Марказий Осиё усталарининг кўп асрлик анъаналари билан, шунингдек, Ўзбекистондаги янги мазган – «Silk Road Samarkand» сайёҳлик маркази фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.





### Тарғибот

**Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтдаги таълим муассасаларида янги тахрирдаги Конституция ва Меҳнат кодекси мазмун-моҳияти доирасида навбатдаги тадбирни ташкил этди.**

Анжуман аввалида таъкидланганидек, Конституцияга киритилган янги нормалар жамиятимизнинг барча йўналиш ва соҳаларида шак-шубҳасиз ўз аксини топажак.

Тадбир ташкилотчилари айниқса, янги тахрирдаги Конституциянинг 44-моддасига алоҳида тўхталдилар. Хусусан, ушбу банд билан мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай тури (суд қарори билан тайинланган жазони ижро этиш тартибидан ёки қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари) таъкидланди. Мажбурий меҳнатга Конституция даражасида чек қўйилиши аввало ўқув муассасаларидаги таълим сифати яхшилланишига хизмат қилиши таъкидланди.

Машваратда шунингдек, янги Меҳнат кодекси ҳақида ҳам сўз борди.

– 1995 йилда қабул қилинган аввалги Меҳнат кодекси бугунги кун талабига жавоб бермасди, – деди Тошкент давлат юридик университетининг катта ўқитувчиси Муҳаммадмин Каримжонов. – Чунки бугун меҳнат бозори янгиликдан-янги касб турлари кириб келди. Шунингдек, янги қонунга меҳнат низоларини куриб чиқишда жамоатчилик иштироки ва ижтимоий шерикчилик, жамоавий мулоқот каби янги механизмлар киритилди. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар, жамоавий музокаралар ўтказиш, жамоа шартномаси ва келишувларини тузиш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидан. Янги ҳужжатнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, эски Меҳнат кодексидagi 100-модда иккинчи қисмининг 7-банди (ҳодимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш) олиб ташланди. Энди нафақа ёшига етган шахсни ҳеч қим унинг розилигисиз ишдан бўшатолмайди.

Йигилиш қатнашчилари мутахассислардан ўзларини қизиқтирган қатор саволларга жавоб олишди.

**Азиза УМАРАЛИЕВА,**

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши бош юриконсультанти

**Сурхондарё вилояти**

## Қозилганда суянадиганимиз бор

Бу мактабни ўзиндан аввал узоқ ўйланганим. Охири, қатъият билан қўлга қалам олдим. Баъзи ўзгариш мен кабиларга ҳам садоқ, ҳам далда бўлар...

Асли термизликман. Мақдир экан, биринчи оила билан етти йил яна фарзандсизлик туфайли ажрайдим. Бундан йети йил аввал иккинчи бор турмушга чиқдим. Турмуш иртосини ангорлик Баҳодир Жўраевнинг тўрт нафар тажжи фарзандига она бўлдим. Улар мени туққан оналаридек эҳти қўришади.

Худайинини меҳрибонлиги сабаб бу орада ўйинли бўлдим. Дилданли Бекзоддан ҳозир 4-синфда ўқийди. Ака ва оналари билан бир тану бир жон. 2021 йил оиламиз бошига мусибат тушди. Бенафқат ўлими турмуш иртосини оралиқдан олиб кетди. Ёлим ўзини доғларини билан рўзгор тедратишини бошлади. Чорвачиликни йўлга қўйдим.

Қулларнинг биринчи касба уюшмалариданми, деб ўйинли келган меҳмонлар хотин-қизлар муаммоларини иртосини шайтанини қўлга бериларини айтишганда, отини, ишонқирамадими. Чунки бу пайтга қадар ҳеч қилдан бундай эътибор қўрилмаганида. Орадан бироз вақт ўтган, мени «Аёллар дафтари»га киритилганидан хабар топдим.

Ўқинда вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов хонадонимизга кириб келди. Ҳаммамиз ҳайрон қолдик. У келиши Президентимизнинг халқларвар сўёсати устувор йўналишларидан бири хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш, уларни ҳаётдан рези янашларини таъминлаш эканини таъкидлаб, ур хонали ўйинлини замонавий қўришида таъмирлатиб берди. Бундан ташқари, оиламизга ўзи билан бирга олиб келган машиини техника жиҳазларини топширди. Яна бир қубонари жиҳати, Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали биринчи босқинда тахсим олаётган катта қизини Улуғмурата компьютер ва тиббий жиҳазлар жамланмаси топширди.

Айни пайтда оилавий шароитимиз эҳтилланиб берилди.

**Қашқадарё вилояти**



## Ҳаётга қарашларни ўзгартираётган ҳаракат

Чироқчи тумани «Чироқчи» маҳалласида яшовчи Насиба Эшқувватованинг ногирон фарзанди бор. Раъно Абдуҳалимованинг эса эри ногирон. Ҳар икки аёл «Аёллар дафтари»га киритилиб, уларга субсидия асосида иссиқхона куриб

берилди. Икки қўшни қўқат етиштирди. Бу йил бозорда кўқат пул бўлди. Ҳар икки оила иссиқхонадан яхшигина фойда қўришди.

Муҳтарам Зокирова нотураржойда яшар, торт пишириб сотарди. «Аёллар дафтари»



Болаларинини уст-боши бут, кам-қўсти йўқ. Ўзимини ҳам, фарзандларинини ҳам сузим меҳнатда қотлан. Тонорқамиз ўзига хос ҳазинага айлланиб дораётганидан завқланамиз. Меҳнатимиз орқасидан даромад кўриб, чорвачилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўйиб, эҳти турмуш кечирибтириш. Демакчи бўлганим, ҳаётда инсон асло туниқликка тушмасини, ҳаракат қилса, қозилганда суяндиган давлатимиз доринини ҳис этиб янаса, ниятини, албатта, эришар экан. Мен дунга ўз тақдирини алин бўлдим.

**Холида БОЛТАЕВА**

Ангор тумани «Зартепа» маҳалласи

### «Аёллар дафтари»ни варақлаганда...

шарофати билан унга устозлик қилиш имконияти яратилди. Туман бандликка қўмақлашиш маркази томонидан маош белгиланди. Айни пайтда 15 нафар хотин-қизга ўз билим ва тажрибасини улашаётган Муҳтарам эндиликда ишли мақомига эга. Шу боис унда янги уй соғиб олиш имкони туғилди.

Муяссар Холбоевнинг уч нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи вафот этган. У рўзгордан орттириб, уйини таъмирлашнинг иложини тополмаётган эди. «Чироқчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Момосулув Бердиқулова масъуллар билан кенгашиб, бу аёлни «Аёллар дафтари»га қайд этди-ю, вазият ижобий томонга ўзгарди. Банқадан 30 миллион сўм кредит олиб, «Paynet» ва компьютер хизматлари кўрсатиш шохобчаси очди. Бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар эвазига оиланинг иқтисодий аҳоли яхшилланиб, уй ҳам таъмирланди.

Зулхумор Жўраеванинг турмуш ўртоғи ногирон. Уч нафар фарзанди бор. Яқин қариндошлари билан тўрта оила бир ҳовлида тиқилиб яшарди. Ҳаётбахш дафтар шарофати би-

лан унга субсидия ажратилиб, оиласи қўқдала туманидаги янги уйга кўчиб ўтди.

Муқаддас Раҳимова эса уч боласи билан эридан ажрашган. У «Аёллар дафтари»га қайд этилган, «Халқ қабулхонаси»нинг Чироқчи тумани бўлимига фаррошликка ишга кирди. Рўзгорига озми-кўпми ёруғлик кирди. Бундан ташқари, бўш вақтларида савдо дўконига ҳам ишлаш бошлади. Яқинда эса янги уйга кўчиб ўтди. Муқаддаснинг ҳаётга қарши бутунлай ўзгарган...

– «Аёллар дафтари»нинг тўртинчи босқинида маҳалламиздан 35 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган, – дейди «Чироқчи» маҳалласи раиси Момосулув Бердиқулова. – Уларнинг ҳар бирига тоифасига қараб, чора-тадбир ишлаб чиқилган. Жумладан, олти нафарига бир марталик моддани ёрдам берилди. Фарзандини даволатган, ўзи даволанган, текстиль фабрикасига ишга кирганлар бор. Энг муҳими, белгиланган тадбирлар хотин-қизлар турмуш шароитини сезиларли равишда яхшилаётди.

**Акмал АБДИЕВ**  
«ISHONCH»



### Сўранг, жавоб берамиз

**САВОЛ:** Баъзи дўконларда оддий целлофан пакетчага солинган, ҳеч қандай этикетка ёки ёзувлар мавжуд бўлмаган, фақат дўкон томонидан қўйилган нархномада «Non javdagi patir» деб номланган нон маҳсулоти сотилаётганини кўрамиз. Харидорлар бу нонни қандли диабет касалига фойдали, деб кўплаб сотиб олишади. Дўкон сотувчилари эса бу тўғрида ҳеч қандай маълумотга эга эмаслигини айтишади. Маҳсулотни шу тарзда сотиш қонунийми?

Мўътабар ҚОЗИЕВА

Наманган шаҳри

## МАҲСУЛОТ ЭТИКЕТКАСИЗ СОТИЛСА...

**ЖАВОБ:** Йўқ, қонуний эмас. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига қараб, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Бунда мазкур маълумот товарларнинг этикеткаларида, тамғаларида, техник ҳужжатда ёки товарларнинг айрим турлари учун қабул қилинган бошқа усудда истеъмолчиларга етказилиши мумкин.

Товар ҳақидаги маълумотда, хусусан, товарнинг номи, товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати, айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси, товарнинг хизмат (яроқлилик) мuddати, ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) тўлиқ номи ва жойлашган ери (юридик манзили), товар келиб чиққан мамлакатнинг номи ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилиши шарт.

Товар (иш, хизмат) тўғрисидаги маълумот истеъмолчида давлат тилида тақдим этилади. Мазкур маълумот қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

Товар (иш, хизмат) ҳақидаги зарур ахборотнинг йўқлиги бундай товар (иш, хизмат)ни реализация қилиш маълумот берилгунга қадар тегишли давлат бошқаруви органининг кўрсатмаси бўйича тўхтаб турилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, ҳўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, дўконлар)нинг озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат товарлари (маҳсулотларини) уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш марказини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот мавжуд бўлмаган товарларни реализация қилиш мақсадида олинганлиги ва сотганлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жавобгарлик белгиланган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

**Жиззах вилояти**



**Бахмал педагогика коллежи ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа давр мобайнида мазкур билим даргоҳи юзлаб ёшларнинг ҳаёт йўлида янги саҳифалар очишга улгурди. Саодат Хайруллаева ҳам ана шу ёшларнинг бири. Айни пайтда у Фориш туманидаги 4-давлат мактабгача таълим ташкилотига директор лавозимига фаолият юритмоқда.**

## «Ёшим катта, аммо илм олишдан чекинмадим»

– Қишлоқ шароитида иш топиш осон эмас, – дейди С. Хайруллаева. – Лекин излаган имкон топади. Ёшим катта, устига-устак, оилали бўлишимга қарамай, илм олишдан эринмадим. Ўз туманимизда касб-хунар эгаллаш учун бирорта коллеж ёки мактаб йўқлиги боис Бахмал туманидаги Педагогика коллежиде тахсил олдим. Устозларим Фурқат Қодиров, Жаҳонгир Абдуллаев ва Феруза Асадовадан мактабгача таълим соҳасининг сир-асрорларини, болалар қалбига йўл топиш илмини пухталиқ билан ўргандим.

Ўқини тамомлагач, ўз туманимиздаги боғча тарбиячи бўлиб ишга кирдим. Ҳозир директор вазифасида ишлаяпман. Шу билан бир қаторда, олий таълимда сирдан тахсил оляпман.

Гўзал Лапасова, Зоҳида Хотамова, Мунаввар Норбекова ҳам Бахмал педагогика коллежининг намунали битирувчиларидан. Ҳозирда улар нодавлат боғча ташкил этиб, 5-6 нафардан ўзи каби ёшларни иш билан таъминлаган.

– Бахмал педагогика коллежи 540 ўринга мўлжалланган бўлиб, «Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси» ва «Мактабгача таълим ёрдамчи тарбиячиси» йўналишларига

ихтисослаштирилган, – дейди коллеж директори Жаҳонгир Абдуллаев. – Айни вақтда ушбу таълим масканига 25 нафар педагог-ҳодим 307 нафар ўғил-қизга касб сирларидан сабоқ бермоқда.

Битирувчиларимизнинг аксарияти тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси ва мудира лавозимларида меҳнат қилмоқда. Фаолиятимиз мобайнида аввало амалиётга тез мослашадиган, бугунги давр кичикинтойларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши илғайдиган кадрлар таёрлашга ҳаракат қиламиз. Бу борада туманимиздаги 10-ва 19-ДМТТ билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Жиззах давлат университети ўқитувчилари билан ҳам тез-тез ўзаро билим ва тажриба алмашиб тураемиз.

**Зебо НАМОЗОВА**  
«ISHONCH»





Нуқтаи назар

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ



**САЙЛОВ ЖАРАЁНИ ҲАР БИР МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕЛИК САНАЛАДИ. ЖАМИЯТНИНГ ЭНГ ОЛИЙ КЎРИНИШИ – ИНСОН ОМИЛИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ҚАДРЛАНГАН, УНИНГ ЭРКИНЛИГИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ ТАЪМИНЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БЎЛИБ, БУНДА САЙЛОВЛАР ЭНГ АҲАМИЯТЛИ СИЁСИЙ ЖАРАЁН ҲИСОБЛАНАДИ.**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг аста-секин эркин демократик жамият сари қадам қўя бошладик. Режалаштирилган ва марказлаштирилган иқтисодиёт бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида янги шакллантирилди. Ижтимоий соҳада эса йиллар давомида биқик шароитда яшаб келган миллий қадриятлар буй кўрсата бошлади. Энг муҳим ислохотлар сиёсий ва маънавий соҳада рўй берди. Сиёсий соҳада ягона партия ва унинг мафқураси ҳукмронлигига чек қўйилди. Зеро, плюрализм бўғилган жойда фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги чекинади, бошқарув эса, мақбулми, номақбулми, ягона ҳукмрон ғоя остида бирлашади. Мамлакатимизда муҳолиф партиялар ташкил топиши билан янги тизимни шакллантираётган мамлакатимиз учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган ғоялар хилма-хиллиги юзага кела бошлади. Хусусан, мустақил мамлакатимизда 1991 йил 29 декабрда ўтказилган илк президентлик сайлови ҳам кўп-партиявийлик асосида ўтказилди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда бешта

сиёсий партия амал қилаётган бўлиб, мамлакатимизда еттинчи бора демократик тамойиллар асосида ўтказилаётган сайловда улар томонидан кўрсатилган тўрт нафар номзод иштирок этмоқда.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ республикалари орасида президентлик лавозими жорий этилган биринчи давлат ҳисобланади. Бу 1990 йилнинг март ойида «Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини жорий этиш тўғрисида»ги қонун асосида амалга оширилган эди.

Партиялар ҳақида сўз кетар экан, аввало, мамлакатимиз ҳудудида ташкил топган илк партия ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, йигирманчи аср бошларида Туркистон Чор Россияси ҳукмронлиги остида эди. XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида Чор Россиясида айнан конституциявий муҳолифат йўқлиги сабабли, у кўп томонлама ғарб давлатларидан ортада қолиб кетган. Бу қолоқлик, ислохотларнинг етишмаслиги турли ғуруҳлар, жамиятларнинг ва улар бирлашуви асосида партияларнинг ташкил топишига замин яратди.

Албатта, бу каби ўзгаришлар Чор Россияси мустамлакаси бўлган Туркистонда акс-садо бера бошлади. Жаҳидлар ҳаракати юзага келди ва улар бир ғоя атрофида жипслашдилар. Партия тузиш ғояси ўртага ташланди. Хусусан, Бехбудий ягона мусулмон партиясини тузиш зарурлиги тўғрисида мақола ёзиб, 1906 йилда уни «Журшид» номига газетада чоп эттирди. Бу ғоя туркий халқларни бирлаштиришга асосланган эди. Ҳатто ушбу партиядан вакил – илк депутат бўлиб, жамоат ва дин арбоби, тажрибали педагог Абдувоҳид Қориев Чор Россиясида инқилобий ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ ташкил этилган янги парламент – Давлат думасига аъзоликка сайланди.

атрофида миллатни бирлаштиришга қаратилган, маърифат ва мустақиллик ғоясини дастуриламал қилган сиёсий институт эди. Тарихчи олим Ж.Ғаниевнинг таъкидлашича, Туркистон ўлкасида сиёсий партиялар тарихини ўрганаётган француз разведкачиси Лякоста ўз давлатига мафий хабар жўнатиб ва унда таъкидлаганидек, у Россиянинг социал-демократлари ҳам, социал инқилобчилари ҳам, кадетлари ёки либераллари ҳам эмас, айнан Туркистон жаҳидларининг ҳаракатларини мақбул ҳамда келажагини порлоқ, деб билади. Афсуски, нодемократик сиёсий тартиб ҳукмронлик қилган, Чор Россияси ўрнида янгидан вужудга келган тоталитар тузум жаҳидлар ҳаракатига чек қўйди. Тоталитар тартиб демократик сайловларни рад этган, парламент сайловларида эса депутатлар ягона партия вакилларидангина иборат бўлган.

Демократик сайловлар аҳолининг, хусусан, сайловчиларнинг сиёсий онги юксак даражада шаклланишини тақозо этади. Зеро, президентликка ҳам, парламент ва ҳудудий вакиллик органларига депутатликка қўйилган номзодларнинг ҳам муносиблиги айнан партиялар орқали бирлашган аҳолининг сиёсий фаоллигига боғлиқ. Қолаверса, сиёсий фаол аҳоли муносиб номзодни танлаб олишда ҳам адашмайди. Муносиб номзодни танлаш, шунчаки кимнидир сайлаш эмас, балки ўз келажагини учун қайғуриш эканини яхши англайди.

Мен ҳам барча юртдошларим сингари, нафақат бугунимни, балки эртани, ўзим ва фарзандларимнинг келажагини ўйлайман. Бунинг учун президентликка номзоднинг дастури билан танишиб чиқаман ва сайловда иштирок этиб, албатта, ўзим энг муносиб деб ҳисоблаган номзодга овоз бераман ва юртдошларимизни ҳам шунга чақириб қоламан.

**Шаҳло АҲРОРОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузурдаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

## ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРЛИГИГА!



Ҳеч аҳамият берганмисиз, ҳар йили баҳор ва куз мавсумида республика бўйича миллион-миллионлаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилади. Кейинги икки йилда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш «кампанияси» янада авж олди. Аммо натижа...

### Диққатга сазовор жойдаги «ДИҚҚАТГА САЗОВОР» манзаралар



бири. Афсуски, ана шу диққатга сазовор жойда «диққатга сазовор» манзара бор.

Гап шундаки, эрта баҳорда шу ҳудудга ҳам манзарали дарахт кўчатлари қадалган эди. Ўша кунни «Yashil makon» деган ёзув туширилган яшил рангдаги нимча ва кепка кийиб олган одамларнинг кўпчилигини кўрган киши «ўх-ўх, бу ерга анча-мунча кўчат экишса керак» деган хаёлга бориши аниқ эди. Лекин ўшанда, яъни масъулардан интервьюлар олинган, эсдалик аниқроғи, ҳисобот учун суратларга туширилган ва ўша материаллар эълон қилинган «қизгин жараён»да бор-йўғи 14 та кўчат экилган экан, холос.

Ҳа, майли, буям муҳим эмас. Энг муҳими...

Биласизми, бугун 14 та ўша кўчатдан фақат биттаси тўлиқ кўкарган. Яна биттаси эса, ҳаёт учун «куршмоқда». Қолганлари қуриб бўлмади.

Яқиндагина мана шу ҳудуддаги бир асрлик чинор бир кечада кесиб кетилди. Худди ўша чинорнинг ён-атрофида экилган кўчатларга келажақда ҳеч ким дахл қилмайди ва улар ҳеч қачон кечаси шамолда йиқилиб тушмайди ҳам. Чунки улар «ўлган».

Энди сўзимизни саволлар билан яқунлаймиз: хўш, кўчатларнинг шу ҳолатга келишига, қуриб қолишига ким айбдор? Агар пойтахтнинг қоқ марказида аҳвол шу даражада аянчли бўладиган бўлса, чекка ҳудудлардаги ҳолат ҳақида нима дейиш мумкин? Кўчатларни авайлаб-асраш, парвариш ва юртни яшилликка буркаш шунчалар қийинми? Қачонгача кўзбўямачилик, ўзибўларчилиқ, эътиборсизлик қилинади?..

**Ҳа, яна бир гап:** юқорида ҳам айтдик, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри пойтахтдаги диққатга сазовор жойлардан бири. Бу ерда хоржилик сайёҳлар ҳам кўп бўлишади.

Шундай экан, уларнинг олдида хижолат бўлмаслик, уялиб қолмаслик учун ўзига диққатни жалб этиб турган ўша қуриган кўчатларни олиб ташлаш керақдир балки. Келаси йил яна экилади-ку, барибир...

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**  
«ISHONCH»

## Самарқанд вилояти

# ШИФОКОРЛАРНИ «ёзувчи»га айлантираётган буйруқ

Халқ тили билан айтганда, баъзи шифокорлар «ёзувчи»ликни ўзларига «касб» қилиб олишяпти. Хўш, оқ халатли посбонлар нимадан норози бўлишяпти?

Хусусан, касаба уюшмаларига мурожаат қилган бир шифокор (исми сир сақланишини сўраган) тузилмавий ўзгаришдан сўнг реанимация бўлимида ойликлар ошиши ўрнига кескин камайиб кетганини баён қилган.

– Бу масалада мурожаат кўп, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Ғолибжон Рустамов. – Жумладан, Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари томонидан бўлаётган мурожаатларни тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ўргандик. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда, илгари реанимация бўлимида ишловчи тиббиётчиларга ҳақ тўлаш шоиинч тиббий ёрдам хизмати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби асосида амалга оширилган. Президентимиз-

нинг 2022 йил 16 июндаги қарорига кўра, марказий туман (шаҳар) шифохоналарининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимидаги ўринлар педиатрия, терапия ва хирургия бўлими таркибига ўтказилиб, беморларни касалликнинг оғирлик даражаси бўйича тақсимлайдиган ва туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлими ташкил этиш белгиланган. Қарор асосида шифохоналарнинг шошилинч тиббий ёрдам бўлимидаги ўринлар сони педиатрия, терапия ва хирургия бўлимига ўтказилган ва шу таркибга киритилган реанимация бўлими ходимларига IV гуруҳ (тип)дан II гуруҳ (тип)га туширилган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш амалиёти қўлланилмоқда. Бу эса бир қатор тушунмовчиликларга сабаб бўляпти.


Аслини олганда, Президент қарорида реанимация бўлимида ишловчиларнинг «юкини» енгиллатиш кўзда тутилган. Улар бажариши лозим бўлган вазифаларнинг бир қисмини бошқа бўлимлар торттиши керак эди. Аммо амалиётда бундай бўлиб чиқмади. Ўша вазифа – ўша иш, ойлик эса қисқарган. Соҳа ходимлари ҳайрон. Шифокорлар билан мулоқотлардан аён бўлдики, тузилма ўзгарса-да, реанимация бўлимидаги юклама қолди. Яъни ҳар хил ҳолатда касалларни қабул қилиш, энг оғир касалларга қараш яна шу бўлимда ишловчилар гарданида.

Боз устига, вазирликнинг жорий йилнинг 21 февралдаги 36-сонли буйруғи «дард устига чипқон» бўляпти. Янги қарор ва вазирликнинг 2022 йил 15 июлдаги 198-сонли буйруғига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш мақсадида қабул қилинган мазкур буйруқ чалқашликларнинг бош сабабига айланган. Ушбу буйруқнинг 2-бандини айнан келтирамиз: «туман (шаҳар) марказий шифохоналарининг беморларнинг касалликнинг оғирлик даражаси бўйича саралайдиган туну кун ишлайдиган шошилинч қабул бўлими (травмпункт билан биргаликда), туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибидаги туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказлари ҳамда реанимация бўлими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарорининг 1-иловаси IV гуруҳи масалалари (7073-бўлим 102-кичик бўлим 54-60б) ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бўйича амалга оширилади».

Қисқа қилиб айтганда, вазирликнинг ушбу буйруғида реанимация бўлими ходимларига ҳақ тўлашни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган эски тартибда давом эттириш идао қилинмоқда. Бу яхши. Аммо Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи Адлия ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирликлари билан келишилмасдан, Адлияда рўйхатдан ўтказилмасдан ижрога киритилган.

– Шифокорлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 36-сонли буйруғи асосида IV гуруҳ микродорида ҳақ тўлашини талаб қилишяпти, – дейди молия соҳаси вакили Жалол Тирқашев. – Аммо молия муассасалари Президентнинг 2022 йил 16 июндаги ПҚ 283-сонли қарорига асосланиб, ТТБ таркибидagi реанимация бўлими ходимларига II гуруҳга туширилган ҳолатда иш ҳақи тўлаб берилади. ССВнинг 36-асосланган буйруғи соҳа ходимларини чалғитишдан бошқа нарса эмас.

Биргина Самарқандда реанимация бўлимига дохил шифокорлар сони (ҳамшираларни қўя турайлик) салкам беш юз нафарга яқин. Салкам бир йилдирки, ушбу муаммодан уларнинг бошлари гаранг. Юқори идоралардан эса ҳалигача жўяли жавоб йўқ. Соғлиқни сақлаш, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари шифокорлар дуч келаётган муаммони ечиш учун яна қанча вақт керак бўлар экан?



**Нурилла ШАМСИЕВ**  
«ISHONCH»





Самарқанд вилояти

**МОЛ БОЗОРИДАГИ «АСЛ ХАРИДОР»**

Сутдан эндигона айрилган бузоғини зарурат тўғрисида сотиш мақсадида тонгаҳарда мол бозорига олиб чиққан Шожалилини дарвоза олдига гавдаси девдай Норқобил қарши олди. Шожалили хотинининг «Яна даллолга арзон-гаровга бериб қўйманг, асл харидорга сотинг» деган гапини эслади-ю, Норқобилни четлаб ўтмоқчи бўлди. Аммо Норқобил унинг кўлидан маҳкам ушлаб, бор кучи билан силкита бошлади: «Баракасини берсин, бор, барака денг...». Хуллас, бузоқнинг тақдирини бозор остонасидаёқ ҳал бўлди, у бир миллион сўмга сотилди.

Шожалили пулларни санаб, ҳамёнига жойлаштириб, секин ичкарига кирди. Не кўз билан кўрсинки, ҳозиргина сотган бузоғини Норқобил бошқа харидорга нақ 1 миллион 200 минг сўмга пуллаётган эди...

**ПУЛЛИ БЎШ ИШ ҲАМ ҲАМ**

Россияда ишлаб келган, ҳар томонлама тажрибали ҳайдовчи ҳисобланган жиянини ишга жойлаштирмоқчи бўлиб, машҳур қурилиш ташкилоти раҳбарига мурожаат қилдим. Чунки касбим тақозосига кўра бу киши билан матбуот анжуманларида кўп учрашардим. У ҳар гал қурилишда бўш иш ўринлари мавжудлигини, ёшлар бемалол мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидларди. Энди эса илтимосимни эринчоқлик билан эшитди-да, «Жиянингизни олдимга юборинг. Бизда ишга қабул қилиш комиссияси мавжуд. Унинг аъзолари қандай қарорга келишса, шу бўлади», деди.

Жияним икки кундан сўнг уйимга келиб, «Ешингиз бизга тўғри келмайди» деган баҳонада уни ишга олишганини айтиди. Сўнгра «Тоға, кўйинг, овора бўлманг... Чамамда, ҳаммаси пулга бориб тақалади», деди. Орадан бир ҳафта ўтгач эса, ўша ташкилотда ишлайдиган бир таниши ёрдамида 500 доллар эвазига ишга жойлашганини маълум қилди.

**ЎЗ ҲАҚИДА ХИЗМАТ ХАҚИ ОЛГАН ОТА**

Ҳа, гап аниқ «учинчи одам» – даллолла ҳақида борапти. Аслида тирикчилиكنинг бундай усули илгари ҳам бўлган, аммо ҳозиргидек кенг «оммалашиб» кетмаган. Энг ачинарлиси, бу «касъ»ни танлаганларнинг аксарияти



Андижон вилояти

**ТАҚИЛМАГАН ОРДЕНЛАР**

Бу воқеага узоқ йиллар олдин ўзим гувоҳ бўлганман. Ушанда Тошкентда барпо этилган Шаҳидлар хиёбонининг очирилиши маросимига вилоятдан борувчи гуруҳга оммавий ахборот воситаси вакили сифатида киритилгандим.

Белгиланган кун, айтилган вақтда ҳокимликда тўпланган вақтда ҳокимликда тўпланган эдик. Бир маҳал атиги бир девор наридаги кўшнимиз – Аҳмадjon тоға кириб келди. Пойтахтга борувчилар рўйхатида унинг ҳам борлигини эшитиб, жудаям қувондим. Ҳақиқат бор экан-ку, дедим ичимда. Бу инсонни бугунгидек очик чехрада кўрмагандим, тўғриси.

Айтишларича, унинг отаси ноҳаддан қатагон қилинган, уни шоли ўтоқ қилаётган жойидан олиб кетишган экан. Аёли икки нафар гўдаги билан чирқиллаб қолаверган. Орадан маълум муддат ўтгач, яқинлари уни кўрганга қамоқхонага – Бухорога боришса, «маҳбус бетоб бўлиб, оламдан ўтган», деган жавоб олишган. Лоақал, дафн этилган жойини ҳам кўрсатишмаган.

Отзига кучи етмайдиганлардан «халқ душманининг ўғли» деган тазнани эшитган Аҳмадjon болаликдан ҳалол меҳнат қилишга бел боғлайди. Мен эсимни таниган пайларимда, у киши жамоа ўҳулларида ҳам пешқадамлар сафидан ўрин олди. 1970-1980 йилларда эл оғзи ва раҳбарлар эътиборига тушиб, бирин-кетин «Меҳнат қизил байроғи» ва «Хурмат белгиси» орденларига эга бўлди. Бироқ у қанчалик эътибор эътирофинга сазовор бўлмасин, кўнглининг бир чети кемтикчилиги қолаверди.



Аҳмадjon тоға ҳокимиятда йиғилганларнинг афт-ангори ва кийим-бошларига синчковлик билан назар солгач, менга қараб, «Шукрулло, мен ҳам орденларимни ўзим билан бирга олгандим, тақиб олсаммикан, лекин илгари ҳеч тақмаганман», деди катта-кичик мукофотларини кўксига қадаб олган нуронийларга ишора қилиб.

– Келинг, тақиб кўяман, – дея унга кўл узатдим. Оксоқолнинг орденларини кўксига қадагач, уни олдинги қаторга ўтказиб қўйган эдим ҳамки, вилоят ҳокимлигининг тақиб олиш бундай гуруҳи раҳбари маросимга борувчиларни дастлабки кўриқдан ўтказиб қўйиш учун залга кириб келди. Қисқача салом-алиқдан сўнг йиғилганларга озилиб: – Қанчалик нуфузли тадбирга кетаётганликларингизни таъкидлаш шарт эмас. Аммо сизлардан СССР пайтида олган мукофотларингизни тақмасликни, фақат муस्ताқиллик даврида олин-

ган орден, медалъ эки унвонлар бўлса, шуларни қолдиришни сўрайман, – деди қатъий оҳангда. Кейин шундоққина рўпарасида ўтирган Аҳмадjon тоғага қараб: «Оқсоқол, сиз иккала орденингизни ҳам ечиб, чўнтакка солиб қўяверинг», деди. Отaxonнинг кайфияти кескин ўзгарди. Чуқур нафас олиб, ютинди. Томоғига нимадир тикилгандек бўлди. У вақилга нимадир дейишга чоғландию, аммо гапирмади. Кўзёшлари кипригига илашиб, тўхтади... Ташкилий йиғилиш тугаши билан, Аҳмадjon тоғанинг биринчи гапи шу бўлди: «Кўшнини, майли, шуларни ечиб қўя қолинг, қаранг, уларни шунча йил тақмаган эдим, энди нима учун қизикдим, ўзим ҳам ҳайронман». Унинг кўнглини кўтаришга, хижолатчиликдан чиқаришга сўз тополмадим. Фақат илтимосини бажариб, орденларини ечиб қўйдим. Ишонасизми, то Тошкентга бориб, нуфузли маросимда қат-

нашиб келгунча ҳам тоғанинг чехраси ёришмади. Ииллар ўтди. Оқни оқ қорани йили Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан жойларда бўлиб ўтган байрам тадбирларида уруш ва меҳнат фахрийлари йиллар давомида олган орден ва медалларини тақиб, парадлардан ўтишди. Бу намойишлар марказий телеканалларда мунтазам бериб борилди. Йўқ, осмон узалиб ерга тушмади, қайтанга одамлар хурсанд бўлишди. Бироқ ҳикоямиз қаҳрамони бу кунларни кўрмади...

Қачон тантанали маросимларда, телевизорда орден, медалъ таққан инсонларни кўрсан, ота дийдорига тўймаган, бир умр фидойилик билан меҳнат қилган ва ибратли оиллага бош бўлган Аҳмадjon тоғанинг ўша кунги мулзам қиёфаси кўз олдимга келаверилади.

Шукрулло НЕМЪАТОВ  
Андижон шаҳри

*У – менми, у – сенми, ким бўлма, фақат  
Сенга инсоф берсин, Учинчи одам...*

Абдулла ОРИПОВ

**Учинчи одам**



ёшида инсульт туфайли вафот этди. У қандай қилиб бу дард қурбони бўлгани ҳақида ҳар хил гап-сўзлар тарқалди. Баъзи кишиларнинг айтишича, Эшмирза Россиядаги катта шаҳарлардан бирида қурилишда ишлаган. Аниқроғи, у ерга ўз ака-укаларидан ташқари кўшнини қишлоқлардан ҳам ишсиз одамларни олиб бориб ишлатган «гастарбайтер», яъни даллол бўлган. Ҳар сафар қурилиш бошлагандан олган пулининг ярмини кўл остидагиликда бўлиб бериб, қолганини ўзига олиб қолган. Энг қизиги, эртдан кечгача лой ва цемент қорганлар ва гишт ташиганлар орасида унинг туғишган акаси ҳам бўлган.

Эшмирзанинг қинғирликларини билиб қолган йигитлар «уриб қолинг» ҳақларини тўлашни талаб қилишади. У эса пулларни уйга жабутиганини, қишлоққа қайтгандан сўнг беришини айтиди. Аммо лафзиде турмайди. Оқибатда алданган ёшлар уни вояга етмаган икки нафар ўғлини ўлдириш билан қўрқитишади. Қарабсизки, Эшмирза аросатда қолади. Милисага борса, қилмиши ошкор бўлади, бормаса, ўғилларининг ҳаёти хавф остида қолади. Алқисса, қон босими кўтарилиб, инсультга йўлиқади.

**«МЕН ЁМОН ИШ ҚИЛАЁТГАНИМ ЙЎҚ-КУ!..»**

Бундан 20 йилча бурун «Самарқанд» телеканалда ишлардим. Бир сафар вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан бирга тунги рейдда қатнашдим. Шаҳардаги кўп қаватли уйлاردан бирида яширин фоҳишахона очилган экан. Тез орада ўша хонадонга кириб бордик. Ичкаридаги 4 та алоҳида-алоҳида хонада 17-22 ёшли қизлар ярим яланғоч ҳолда мижозлар кўнглини овлаш билан банд эди. Қизиги, улар кўшмачи аёлни яқдиллик билан ҳимоя қилишди.

– Бизга бошқа иш топиб беринглар бўлмаса, бола-чақамизни боқайлик, – деди бири. – Опа бизларга иш берди, бошпана билан таъминлади.

– Эрингиз йўқми?  
– Бор эди, ажрашганман. Рўзгорини бут қилиб, бола-чақасини боқолмаган ношуд, лапашанг эрингиз менга кераги йўқ.  
Хонадон эгаси, 50 ёшлар атрофидаги семиз аёл ички ишлар ходимларига ўта беписанд муомалада бўлди:  
– Бу иш билан анчадан бери шуғулланаман. Ҳўш, нима бўпти?.. Қонунни

Мулоҳаза

бузган бўлсам, судга беринглар. Аммо овора бўласизлар, чунки ҳамма жойда, ҳатто судда ҳам мижозларим бор. Очилган иш уч кунга бормай ёпилиб кетади. Ундан кўра, келишиб кўя қолайлик. Ахир, мен ёмон иш қилаётганим йўқ-ку. Нон тополмай кўчада қолган қиз-жувонларга бошпана, овқат, иш ҳақи бераянман-ку...

Аёлнинг эътирозларига ва катта кетишларига қарамай, ИИБ ходимлари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, 6 нафар жувонни тери-таносил касалликларни шифохонасига олиб кетишди. Текширув натижасида уларнинг 3 нафаридан турли хил жинсий касалликлар мавжудлиги аниқланди. Икки ҳафтадан сўнг бўлган судда эса кўшмачи аёлга нисбатан жарима жазоси тайинланди.

**ҲАР КИМНИНГ ҲИСОБИ**

Энди юқорида тилга олинган ҳолатларни бир таҳлил қилиб кўрайлик. Биз кўпинча ҳаёт кечириб тобора қийинлашаётганидан, замон «айниб кетаётгани»дан нолийимиз. Аммо пул топиш учун инсон зоти қай кўчаларга кириб чиқаётгани, қанақа номақбул ишларга кўл ураётгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Баъзан шунақа воқеаларга дуа келсак, «Ҳа, энди тирикчилик-да», деч кўл силтаб кўя қоламиз. Аслида-чи?..

Менимча, бундай қилмишларни ҳеч бир ваз билан оқлаб бўлмайди. Чунки бировнинг ҳақиқа кўз олайтириш, ҳаром ўйла юриш шариятда ҳам, тарикатда ҳам азал-азалдан қораланади. Қолаверса, фарзандларга нафақат тўғри тарбия бериш, балки ҳалол лўқма едириш ҳам унинг келгуси ҳаётига ижобий таъсири кўрсатиши исботланган ҳақиқат. Инсон табияти эса ғалати. Тарбия, тўғрилиқ, ҳалоллик, ростўйлик ҳақида қанча кўп эшитиб, ўз кўзи билан кўрмасин, барибир, боши «тақ» этиб деворга урилмагунча ўз билганидан қолмай, «Менга нима?» қабилда яшайверади. Эҳтимол, унинг энг катта фоҳисаси шундир. Аммо, нима бўлганда ҳам, ўша бозорда, кўчада, ҳаёт чорраҳаларида доимо тўкнаш келаётганимиз – шoir айтиганидек, учинчи одамларга инсоф берсин!

Ўрмамат  
РУСТАМОВ,  
журналист

Эълонлар

Кечинма

**«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ  
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ  
ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ  
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА  
ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Очиқ аукцион савдосига «Сурхондарё минтақавий пахта терминали» МЧЖга тегишли бўлган, 2016 йилда ишлаб чиқарилган, 75 255 RAA давлат рақамли, техник таъмирталаб ва носоз ҳолатдаги, бошланғич баҳоси 40 055 000 сўм бўлган «Cobalt LS» автотранспорт воситаси кўйилмоқда. Савдо 2023 йил 22 июнь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри, Ислол Қаримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадонда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт 2023 йил 22 июнь куни аукцион савдосида сотилмаган тақдирда ёки савдо ғолиби белгиланган мuddатда шартнома имзолашдан бош тортса, шартнома имзолангандан сўнг шартнома шартлари бажарилмаса, такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Талабгорлар автотранспорт воситалари билан «Сурхондарё минтақавий пахта терминали» МЧЖ ходимлари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиши мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим этиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисида келишуви имзолашлари талаб этилади. Талабгорлар келишуви имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориде закалат пулини «Surxon savdo invest» масъулияти чекланган жамиятининг ҳисобрақами (банк: «Трастбанк» Термиз филиали, ҳ/р: 2020 8000 1005 1270 9001, СТИР: 303477661, МФО: 01063)га тўлайди. Закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 2 (икки) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар, шунингдек, қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўлангани ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Кўшимча маълумотлар олиш манзили: Термиз шаҳри, Ислол Қаримов кўчаси, 162-уй, 1-хонадон. Телефон: +998 (76) 221-90-36. Гувоҳнома № 903

1992 йил 29 декабрда Семеновна Юлия Николаевна номига берилган №003-02/1166 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1998 йил 29 июлда Хусанова Дилдора Файзуллаевна номига берилган №008-02/14548 рақамли ҳамда 2016 йил 22 январда берилган давлат далолатномаси ва дубликати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1993 йил 30 январда Волков Владимир Викторович номига берилган №008-01/18651 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1992 йил 26 декабрда Фоминский Виталий Алексеевич номига берилган №008-01/5053 рақамли давлат далолатномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

МУАССИС:  
O‘zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi  
2007-йил 11-январда O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.  
«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay’ati:  
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay’ati raisi), Ulug‘bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOIBOROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOILOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G‘OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURADOV (Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosi), Mehridin SHUKUROV (Mas‘ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas‘ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

**Bosh muharrir**  
Husan ERMATOV

**Bo‘limlar:**  
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**  
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02  
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
**Navbatchi muharrir**  
S. Abdurahmonov  
**Musahhihlar**  
D. Xudoyberganova, D.Ravshanova  
**Sahifalovchi**  
H. Abdullajilov  
Bosishga topshirish vaqti – 23:10  
Topshirildi – 23:30  
**Bahosi kelishilgan narxda**  
**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz  
**Tahririyat hisobraqami:**  
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «poteka bank» Yashnobeod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taqiq.  
Buyurtma 346  
Nashr ko'rsatkichi: 133  
**Umumiy adadi 31262**  
16810 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.  
**Korxonalar manzili:**  
Samarqand shahri, Spitalmen ko'chasi, 270-uy.